**"РЎЙХАТГА ОЛИНГАН"**

Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз туман хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини руйхатдан ўтказиш инспекциясида

2014 йил «24» декабрь

10020 -рақам билан

М.Ў.

**"ТАСДИҚЛАНГАН"**

**"Don xalq rizqi" aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг**

2014 йил 15 ноябр лаги

умумий йиғилиши томонидан

М.Ў.

# *"Don xalq rizqi" aksiyadorlik jamiyati*

# Устави

*(янги таҳрир)*

*Шаҳрисабз тумани – 2014 й.*

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошка конун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. "Don xalq rizqi" aksiyadorlik jamiyati (матн давомида – Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 06.08.2004йилдаги 376-сонли "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик корпорациясини "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида"ги Қарорига биноан жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига асосан қайта ташкил этилган.

1.3. Жамиятнинг тўлик фирма номи:

**Ўзбек тилида: – "Don xalq rizqi" aksiyadorlik jamiyati (матн давомида – Жамият деб юритилади)**

**Рус тилида: – акционерное общество "Don xalq rizqi".**

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

**Ўзбек тилида: – "Don xalq rizqi" AJ**

**Рус тилида: – АО "Don xalq rizqi".**

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Кашкадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Беруний кўчаси, 111А уй. Индекс: 181300.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: **shdxr@mail.ru.**

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: **www.                    .uz.**

1.7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

1.9. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.10. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.11. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.12. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.13. Жамият куйидаги филиалга эга

"Китоб дон" филиали, Филиал манзили: Китоб тумани, Шахрисабз кучаси 1-уй

1.14. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

1.15 Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.16. Жамият қуйидаги шўъба хужалик жамиятига эга.

"Покиза нон плюс" масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хужалик жамияти, хужалик жамияти манзили, Шахрисабз тумани, Беруний кучаси 111А уй.

1.17. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий Жамият фаолиятини амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

SHAHRISABZ TUMANI HOKIMLIGI ... RO'YXATDAN O'TKAZISH INSPEKSIYASINING 2014. 24.12 100220 REESTR RAQAMI BILAN

1.18. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошка тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида хам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

1.19. Жамият ўз фаолиятини мувофиклаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва химоя қилиш хамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

## II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Жамият асосий максадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- Жамиятда юкори рентабел, замонавий техника билан жихозланган тегирмончилик саноатини барпо этиш, Тегирмончилик саноатида бозор ислохотларини чукурлаштириш ва бозор иктисодиётининг афзалликларидан тўла фойдаланиш, тегирмончилик ва озик-овкат саноати сохасида янги технологияларни ва илмий ютукларни қўллаш, соха учун мутахассислар тайёрлашда иштирок этиш.
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чикарувчилари томонидан етиштирилган дон ва дон махсулотларини кабул килиб олиш ва уни кайта ишлаб ун махсулоти ишлаб чикариш жамиятнинг асосий фаолияти хисобланади.
- Жамият асосий фаолият турларидан ташқари ўз фаолият муддати давомида ишлаб-чикариш ва хўжалик фаолиятининг қуйидаги турлари билан шуғулланиш ҳуқуки ва ваколатига эга:

- ♦ Хом ашёни кабул килиш, саклаш, юкори истеъмолчилик хусусиятларига эга бўлган навли ун, ёрма ишлаб чикариш;
- ♦ Ун маҳсулотлари, халк истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш, турли корхона, ташкилот ва фукароларга турли хизматлар кўрсатиш;
- ♦ Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорка хўжаликларида етиштирилган дон маҳсулотларини қабул қилиш, саклаш ва қайта ишлаш;
- ♦ Ғалла экинлар донини тайёрлаш ва экиш учун кишлок хўжалиги корхоналари ва шахсий томорка хўжаликларига етказиб бериш;
- ♦ Ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва корхона, ташкилот ва аҳолига етказиш
- ♦ Ем маҳсулотлари ишлаб чикариш;
- ♦ Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чикариш, харид килиш, қайта ишлаш, саклаш, кадоклаш ва сотиш;
- ♦ Чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда махсулотлари етиштириш ва сотиш;
- ♦ Паррандачилик, чорвачилик хужаликлари учун омихта ем ишлаб чикариш ва уларни ахолига, мулкчилик шаклидан қаътий назар барча корхоналарга, муассаса ва ташкилотларга хамда фермер (дехкон) хўжаликларига сотиш;
- ♦ Ахоли, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг талабларини кондиришга каратилган бошка озик-овкат махсулотларини ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чикариш;
- ♦ Мамлакатдаги хом ашё ва ишлаб чикариш чиқиндиларидан фойдаланган холда ва экологик тоза технология асосида ўз махсулотини ва халк истеъмоли молларини ишлаб чикариш;
- ♦ Ахолига, мулкнинг барча шаклидаги корхоналар, муассаса ва ташкилотларига конун бўйича рухсат берилган турли хил ва шаклдаги хизматларни кўрсатиш;
- ♦ халк истеъмол буюмлари, ишлаб чикариш ва техникавий вазифасининг маҳсулотлари, хом-ашё, материаллар, эхтиёт кисмлар, қурилиш, пардозлаш ва қадоклаш материалларини ишлаб чикариш, тайёрлаш, харид килиш, етказиб бериш ва сотиш;
- ♦ юридик ва жисмоний шахслар учун транспорт, фрахт, экспедиция, омбор

JLINDI»
SHAHRISHI
...EKTLARINI
...RAZISH»
200_ й. 14 24 12
10020

хизматларини кўрсатиш;

- Тижорат, савдо-воситачилик ва савдо-сотик фаолиятини амалга ошириш
- Кўргазмалар, савдо-кўргазмалари, аукционлар, ярмаркалар, тижорат тадбирларини ташкил килиш ва ўтказиш хамда уларда иштирок этиш
- Жамиятнинг ўзида ишлаб чикарилган махсулот, халк истеъмоли моллари ва ишлаб чикариш-техника максадлари учун белгиланган махсулот билан накд пулга, пул кучириш йули билан, Жамият фирма дуконлари ва бошка савдо тармоклари оркали улгуржи, майда улгуржи ва чакана (жумладан, тижорат-комиссион) савдо килиш.
- Жихозларни ва мулкни лизинг бўйича операцияларни ўтказиш, бинолар, иншоотлар, хоналар, жихозлар, инвентарлар ва бошка мулкни фойдаланишга ёки ижарага бериш.
- Молиявий ёрдам кўрсатиш, карзлар, ссудаларни (шу жумладан фоизсиз) бериш, хайрия фаолияти, восийлик ва хомийлик ёрдамини кўрсатиш.
- Жамият талабларидан келиб чикиб мутахассисларни тайёрлаш ва ўкитиш
- Акциядорлик ва бошка хўжалик жамиятларида, компанияларда ва кўшма корхоналарда таъсисчи сифатида катнашиш.
- Қимматли қоғозларни чикариш, сотиш, сотиб олиш билан операцияларни амалга ошириш;
- молиявий ва мулкий лизинг, бинолар, уйлар, жихоз, мулкни фойдаланишга ёки ижарага бериш ва олиш;
- риэлторлик фаолияти, кўчмас мулк объектларини эгаллаш, фойдаланиш, ижарага бериш ва сотиш, кучмас мулк билан бошқа операцияларини амалга ошириш.
- Жамиятнинг ўзида ишлаб чикарилган махсулот, халк истеъмоли моллари ва ишлаб чикариш-техника максадлари учун белгиланган махсулот билан накд пулга, пул кучириш йули билан, Жамият фирма дуконлари ва бошка савдо тармоқлари оркали улгуржи, майда улгуржи ва чакана (жумладан, тижорат-комиссион) савдо килиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқикланмаган бошка фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

2.3. Маҳсулот рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари конунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.
- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

## III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 928 700 000 сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 928 700 дона оддий акцияларга бўлинган.

### а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш □ки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 1 000 000 дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ обуна усули билан белгиланган



200 14 24 12
10020

тартибда фукаролик-хуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.8. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

**б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш**

3.10. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга ҳақли.

3.12. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамият устав фондининг жамият уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

3.13. Устав фондини камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.14. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

4.3. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига акциялар номинал қийматининг 25 фоизига тенг миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.4. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.5. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.6. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

## V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамиятнинг қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорида чиқарилаётган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули (оммавий ёки хусусий йўсинда), муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.2. Жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартибини, янги акциялар

жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорларни (биржа ёки биржадан ташқари, ташкиллаштирилган ёки ташкиллаштирилмаган) белгилайди.

5.3. Жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш усули (оммавий ёки хусусий йўсинда) белгиланади.

5.4. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.5. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.

5.6. Жамият овоз берувчи акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Бунда акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

5.7. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида белгиланган муддат давомида, аммо бундай қарор қабул қилинган пайтда эътиборан кўпи билан бир йил давомида амал қилади.

## VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

6.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.4. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

6.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.9. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган



«TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
INSPEKSIYASINING
200_ y. 14.12.10
REESTR RAQAMI BILAN

акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

6.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

6.11. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади

6.12. Дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса; жамият дивидент тулашга ҳақли эмас.

6.13. Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

6.14. Мазкур Уставнинг 6.12 ва 6.13.бандларда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

## VII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.4. Жамият устав фондининг 15 фоизи миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.5. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.4-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказади.

7.6. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

7.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

## VIII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Директор).

## IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

...OLINDI
...HOKIMLIGI
«TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
INSPEKSIYASINING
200_ 14.04.12
10020 REESTR RAQAMI BILAN

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

- жамиятнинг устав фондини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.6 Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

9.7. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига

«RO… OLINDI»
SHAHRISA… HOKIMLIGI
200_4_ _24_ _11_
10020 …REESTR RAQAMI BILAN

киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этади

9.8. Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.9. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

9.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

9.11. Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

9.12. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.13. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

9.14. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

9.15. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

9.16 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

9.17. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

9.18. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши қилади.

9.19. Жамият кузатув кенгаши "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда белгиланган муддат ичида

SHAHRISABZ TUMAN HOKIMLIGI
TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI RO'YXATGA O'TKAZISH
14. 24 12
10020

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

9.20. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **эллик фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

9.21. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартирилмасдан қолади.

9.22. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **қирқ фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

9.23. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

9.24. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

## X. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин

«RO... OLINDI»
HU... JAGI
«TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI ...
INSPEKSIYASINING
20 14 . 24 12
10020 ... REESTR RAQAMI BILAN

фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат максадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг энг кўп микдорини белгилаш хакида карор кабул килиш;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган хак ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошка фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- конунчиликда белгиланган холларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида карор қабул килиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни конун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

10.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар хал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

10.5. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

10.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда кайта сайланиши мумкин.

10.7. Жамият бошкаруви аъзолари ва директори жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.8. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш оркали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлик беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида таксимлашга хаклидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб хисобланади.

10.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан кайта сайлашга хақлидир.

10.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик килади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.12. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўк бўлган холларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

10.13. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан хар чоракда камида бир марта чакирилади. Зарурият кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари хам ўтказилиши мумкин.

10.14. Жамият Кузатув кенгашининг карори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида конуний хисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида карорлар, агар конунчиликда бошка холлар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан кабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар хал этилаётганда Кузатув кенгашининг хар

INSPEKSIYASINING
200/14 24 12
100/20

бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошка аъзосига беришига хакли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган холда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози хал этувчи хисобланади.

10.15. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўгри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

10.16. Жамият кузатув кенгашининг карорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан кабул килиниши мумкин.

10.17. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўгрисида карор кабул килган такдирда мазкур карор хакидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

## XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига рахбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи - Директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият ижроия органи (Директор) жамиятнинг ижро этувчи органи хисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошкаради ва оператив рахбарликни Ўзбекистон Республикаси конунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг карорларига мувофик амалга оширади.

11.3. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига хисобот беради.

11.4. Жамиятнинг Директори Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдикланади. Директор билан мехнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

11.5. Жамият Директорининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига рахбарлик килишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлак ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.6. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг карорлари бажарилишини ташкил этади.

11.7. Жамият Директори мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдикланган "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

11.8. Жамият Директорининг ваколатларига куйидагилар киради:

- мазкур Устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофик Жамиятнинг ишига рахбарлик килиш;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслахат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини химоя килади;
- Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси рахбарини тайинлайди;
- штатларни тасдиклайди, Жамият ходимларини ишга кабул килади, улар билан мехнат шартномаларини тузади ва бекор килади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллайди, ходимлар томонидан мехнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлайди;
- Жамият номидан амалдаги конунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйрук ва фармойишлар чикаради ва кўрсатмалар беради;
- Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиклайди;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва баркарор ишлашини таъминлаган холда унинг жорий фаолиятига рахбарлик килади;

SHAHRISABZ TUMANI HOKIMLIGI
TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI
INSPEKSIYASINING
200_ y. 14. 24 12
10020

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши карорларининг бажарилишини ташкил этади;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошка молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошка олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя килади.

## 11.9. Директорнинг ҳуқуклари:

- Директор куйидаги хуқукларга эга:

- Қонун, Жамият Устави ва мазкур мехнат шартномасида унинг ваколатига тегишли деб топилган Жамият жорий фаолиятига рахбарлик килишга доир барча масалаларни мустакил равишда ҳал этиш;

-. Жамият номидан ишончномасиз иш куриш, шу жумладан бошка ташкилот ва органлар билан узоро хамкорликда унинг манфаатларини химоя килиш, банк муассасаларида хисоб-китоб рақамлари ва бошка хисоб рақамлари очиш, битишувлар тузиш, фақат Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколтларига киритилган битишувлар тузиш бундан мустасно, Жамият Уставида келишиб олинган доирада мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этиш, шартнома ва контрактлар тузиш, ишончномалар бериш ва ёзишмалар олиб бориш;

-. Жамият тузилмаси ва штат жадвалини тасдиклаш, ходимлар билан мехнат шарномалари тузиш хамда уларни бекор килиш;

-. Жамоа музокараларида ва жамоа шартномаларини тузишда Жамият номидан иш куриш;

-. уз ваколатига киритилган масалалар буйича Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий булган буйруклар чиқариш ва курсатмалар бериш;

-. Жамият ходимларини рағбатлантириш;

-. Жамият ходимларидан ички тартиб-коидалари, Жамиятда амалда булган бошка коидаларнинг, шунингдек, мехнат шартномаси шартларининг бажарилишини талаб килиш. Жамият ходимлари томонидан мехнат интизоми бузилган холларда Жамият ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини куллаш;

-. Жамият ходими билан мехнат шартномаси тузишда ходим учун Жамиятнинг хизмат ва тижорат сири ҳисобланган маълумотлар хажми ва таркибини аниқлаш;

## 11.10. Жамият Директорининг мажбуриятлари:

- Директор куйидагиларга мажбур:

- Агар Директор акциядорлик жамияти томонларидан бири хисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у карор қабул килингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди;

- Директорга хизмат мавкеи билан берилган хукуклардан ўзи мехнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

- Жамият Директори акциядорлик жамияти мол-мулкини тасарруф килишдан шахсий фойда кўриш бўйича харакатларга йўл қўймаслик.

- Жамият Директори акциядорлик жамияти махсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда кийинчилик тугдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда катнашиш хуқукига эга эмас. Директор акциядорлик жамиятида лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида акциядорлик жамияти Кузатув кенгашини хабардор килиш.

- Жамият Директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига ва жамият Уставига мувофик



«RO'YXATDAN O'TKAZISH» INSPEKSIYASI
2014_24 R
100020

акциядорлик жамиятига етказилган зарарни коплаш бўйича тўлик хажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб беради.

- Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни коплаш тўгрисида Директорга нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга хаклидир.

-. Ўз ваколати доирасида Жамиятнинг самарали ва баркарор ишлашини таъминлаган холда унинг жорий фаолиятига рахбарлик килиш, факат Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатувчи кенгаш ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

-. Акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши карорлари бажарилишини ташкил этиш;

-. Акциядолар йиғилишига ва Жамиятнинг Кузатувчи кенгашига йиллик бизнес-режа бажарилишини бориши тўғрисидаги чораклик хисоботларни, шунингдек ўз ваколатига тегишли булган ишларнинг холати тўгрисидаги ахборотларни белгиланган муддатларда таклим этиш;

-. Жамиятнинг ривоплантириш дастурлари ва бизнес-режалар ишлаб чикишларга рахбарлик килиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат килиш;

-. Жамиятнинг шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

-. Ишлаб чикаришни ва ижтимоий сохани ривожлантириш учун зарур булган микдорда фойда олинишини таъминлаш;

-. Жамият фаолиятида конунийликни таъминлаш;

-. Жамиятда бухгалтерия хисоби ва хисоботи ташкил этилишини, унинг зарур холатда булиши ва ишончлилигини таъминлаш, йилик хисобот ва бошка молиявий хисоботларнинг тегишли органларга, шунингдек, акциядорларга, кредиторларга ва бошка маълумотларни олувчиларга жунатиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги ўз вактида такдим этилишини таъминлаш;

-. Жамият тафтиш комиссияси ва жамият аудиторининг талабига кура Жамият молия – хужалалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тасдиксиз такдим этиш;

-. Давлат статистика хисоботлари тўликлигини ва уларнинг тегишли органларга ўз вактида такдим этилишини таъминлаш;

-. Ишлаб чикариш бирликлари, цехлар ва Жамиятнинг бошка таркибий булинмаларининг самарали хамкорлик килишини таъминлаш;

-. Жамиятнинг тижорат сири булган ахброротни саклаш, агар бундай ахбротни учунчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, Жамиятнинг тижорат сири булган маълумотлар рўйхати Кузатувчи кенгаш томонидан белгиланади;

-. Хизмат ёки тижорат сири хисобланган ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сакланишини таъминлаш;

-. Жамиятнинг коллегиал ижро этувчи органи мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, Жамият номидан хужжатларни ва ижро этувчи орган йиғилишлари протоколларини имзолаш;

-. Жамиятни малакали кадирлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва кобилиятларидан яхширок фойдаланиш чора тадбирларини куриш;

-. Мехнат ва технология интизоми сакланишини, ижтимоий кафолатларга риоя этилишини ва Жамият ходимлари мехнати мухофоза килинишини таъминлаш;

-. Иш берувчининг вакиллари жамоа музокараларида катнашишини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида иш куриш. Жамоа шартномаси бўйича мжбуриятларни бажариш;

-. Ўзок муддат давом этадиган хизмат сафарларини ва таътиллардан фойдаланиш вактини Кузатувчи кенгаш билан келишиб олиш. Ўзок вакт булмайдиган шахснинг вазифаларини бажарувчи шахс тўгрисида Кузатувчи кенгашни хабардор килиш;

11.11. Жамият Директори ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

11.12. Жамият Директори конун хужжатларига ва ушбу уставга мувофик жамият олдида жавобгардир.

«TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI RO'YXATDAN O'TKAZISH» INSPEKSIYASINING
2014-14-12
10020 REESTR RAQAMI BILAN

## XII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

### а). Жамиятни қайта ташкил этиш.

12.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

12.2. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилади.

12.3. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

12.4. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

12.5. қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;

12.6. бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

12.7. Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар жавобгар бўлади.

12.8. Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган жамият қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан, шунингдек у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

### б). Жамиятни тугатиш.

12.9. Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

12.10. Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

12.11. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралиқ тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

12.12. Агар тугатилаётган жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи жамиятнинг мол-мулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

12.13. Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида оралиқ тугатиш балансига



TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
200 14 24 12
REESTR RAQAMI BILAN
10020

мувофик, ушбу баланс тасдикланган кундан бошлаб амалга оширилади.

12.14. Кредиторлар билан хисоб-китоблар тугаганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдикланади.

12.15. Тугатувчи ушбу моддада назарда тутилган тартиб-таомиллар тугалланганидан кейин жамият кимматли қоғозлари чикарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор килиш юзасидан зарур тадбирларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади.

12.16. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

12.17. Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳакидаги тегишли ёзувни факат жамиятнинг кимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

## XIII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

### а) Жамиятнинг хисоб ва хисоботи.

13.1. Жамият конун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия хисобини юритади ва молиявий хисобот тақдим этади.

13.2. Жамиятда бухгалтерия хисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги хисобот ва бошқа молиявий хисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

13.3. Жамиятнинг молиявий хисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий хисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар хисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлик бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдикланади.

13.4. Жамиятнинг йиллик хисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдикланади.

### б) Жамиятнинг хужжатларини сақлаш

13.5. жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги карорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

13.6. жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдикловчи хужжатларни;

13.7. акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдикланадиган хужжатларни;

13.8. жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

13.9. жамиятнинг йиллик хисоботни;

13.9. эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

13.10 акциялар эмиссияси рисоласини;

13.11. бухгалтерия хисобига доир хужжатларни;

13.12. тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий хисоботларни;

13.13. жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият директорининг (бошқарув раисининг) буйруқларни;

...OLINDI
SHAHRISABZ TUMANI HOKIMLIGI
«TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
RO'YXATDAN O'TKAZISH»
INSPEKSIYASINING
200 14 - 24 12
... REESTR RAQAMI BILAN
10020

13.14. жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

13.15. жамият акциядорларининг реестрларини;

13.16. жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг), аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлайди.

13.17. Жамият қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлайди.

## XIV. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

14.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари :

- молиявий хужжатларни ва бухгалтерлик хисоби маълумотларини текшириш;
- бухгалтерлик ва статистик хисобларни амалдаги норматив хужжатларга муносиблигини тахлили;
- молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятларида ўрнатилган норматив, қоидаларга ва давлат стандарларига риоя қилинаетганлигини текшириш;
- Жамиятнинг молиявий ахволини тахлили, унинг тўлов қобилиятини, тугатилишини, ўзининг ва заем маблағларини нисбатини, Жамиятнинг иктисодий холати яхшиланишига резервларни таъсирини;
- Жамиятни бошқаришини яхшилаш учун тавсияларни ишлаб чиқариш;
- солиқ инспекцияси, статистик ва бошқа давлат бошқаруви органлари учун тузилган баланс, хисобот хужжатларни тўғрилигини текшириш;
- акциядорларни умумий Йиғилишининг қарорларини тахлили, Жамиятнинг хужжатларига, улар амалдаги қонунчиликга ва норматив актларга келишмасликларини аниқланганда, таклифларни киритиш;
- Жамиятни фаолияти тўғрисидаги хар қандай маълумотни биринчи талаби бўйича олиш;
- Жамият манфаатларига зиен етказилиши хавфи келиб чиқганда еки мансабдар шахслар томонидан йўл қўйилган суиистъемоллар аниқланган холларида ваколатли шахслардан Бошқарувнинг, Кузатув Кенгашининг, Умумий йиғилишининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;
- Жамият Бошқарувининг органлари, унинг бўлинмалари, хизматлари олдида ходим ўз мажбуриятларини бузган холида, унинг жавобгарлиги тўғрисида масалани қўйиш.
- текширув доирасига тегишли хар қандай хужжатларни муфассал равишда ўрганиб чиқиш;
- Жамиятни Кузатув Кенгашининг, Бошқарувнинг қарорлари, ёзма хисоботлар шаклида амалга оширилган текирув ва тафтишларни натижаларини, Жамиятнинг бошқарувини мажлисида хабарлар тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида акциядорлар маълумотига етказиш;
- тижорат сирига риоя қилиш;
- жамиятн манфаатларига аниқ хавф етказилиши келиб чиқганда акциядорларни Умумий Йиғилиши чақирилишини талаб қилиш.

14.3. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган "Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида"ги Низомда белгилаб қўйилади.

14.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки акциядорнинг жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга

SHAHRISABZ ... HOKIMLIGI «TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI ... INSPEKSIYASINING ... 2014-24 12 ... REESTR RAQAMI BILAN 10020

оширилади.

14.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

14.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

14.7. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

## XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

15.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

15.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

**"Don xalq rizqi" aksiyadorlik jamiyati директори в.б :** **А. Худойбердиев.**

«RO... ...LINDI»
SHAHRISABZ ... HOKIMLIGI
H... ...QI
«TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI RO'YXATDAN O'TKAZISH»
INSPEKSIYASINING
200 14 . 24 . 12
10020 REESTR RAQAMI BILAN

«RO'YXATGA OLINDI»
SHAHRISABZ TUMANI HOKIMLIGI
...DI
«TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI
RO'YXATDAN O'TKAZISH»
INSPEKSIYASINING
200 19. 24 12
100260 REESTR RAQAMI BILAN